# МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ў.Мухтаров**

*Мақолада шарқ мутафаккирлари илмий-фалсафий меросига нисбатан ғарб олимлари таъсирида шаклланган муносабатни ўзгартириш зарурати асосланиб, ушбу мероснинг миллий ғояни шакллантиришдаги аҳамияти ёритиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *“Беруний асри”, ғоя, мафкура, ижтимоий тараққиёт, маданий мерос, ғарбча нуқтаи назар.*

*В статье обоснована необходимость изменения отношения к научно-философскому наследию мыслителей Востока, формировавшегося под влиянием западных ученых, освещена роль данного наследия в формировании национальной идеи.*

***Ключевые слова:*** *«эпоха Беруни», идея, идеология, социальное развитие, культурное наследие, западная концепция.*

*The article studies the problems of formation of national idea under the influence of Oriental philosophers and the influence of this heritage.*

***Keywords:*** *«The Epoch of Beruniy», idea, ideology, social development, a cultural heritage, the western concept.*

---

Ҳар қандай мафкура инсонларнинг муайян манфаати ва мақсадлари асосида юзага келади, айни пайтда, унинг ривожланишида фалсафа асосий ўрин тутади. Яъни шахс, ижтимоий гуруҳ ёки тоифаларнинг ғоялари жамият мафкурасига айланиши учун улар илмий-назарий ва методологик жиҳатдан асосланиши лозим. Ғоя мустаҳкам илмий назарияга асослансагина жамиятнинг структуравий элементлари бўлган турли ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва тоифаларни бирлаштириб, уларнинг фаолиятини ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши мумкин. Мустаҳкам назарий-фалсафий асосларига эга бўлмаган ғоя ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тарихий зарурияти ва эҳтиёжларини муайян манфаатлар доирасидагина ифодалаб, чегараланиб қолиши, шу тариқа жамият мафкурасига зид келиб, миллий тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис миллий тараққиёт ғояларини ва у билан боғлиқ назарий ва амалий ишларни илмий-фалсафий асослаш, шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг фалсафий меросини ўрганиш миллий ғояда акс этган мақсадларни тўла рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, XVII асрлардан минтақамиз таназзул даврига кирди, Европа эса аксинча, ижтимоий-иқтисодий, маданий юксалиш йўлига ўтди. Бунинг натижасида Шарқ маданиятига муносабат, уни ўрганиш ва баҳолаш мезонлари тубдан ўзгарди. Жумладан, юртимизда етишиб

чиққан улуғ алломаларнинг асарларини ўрганиш жараёнида Европа маданияти ва қадриятлари доирасида баҳолаш мезон бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари, Шарқ мутафаккирлари илмий-фалсафий меросини таҳлил қилишга ҳам Европанинг фалсафий меъёрлари ва маънавияти нуқтаи назаридан ёндашилди. Бундай вазият табиий равишда Шарқ илмий-фалсафий мероси ва маънавиятига паст назар билан қараш ва улар тўғрисида нотўғри тасаввурларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Бунинг оқибатида буюк алломаларимизнинг илмий-фалсафий мероси Европа тафаккури ва руҳи доирасида таҳлилу талқин этилдики, натижада объектив баҳоланмади.

Афсуски, умуман олганда совет даврида ҳам айни ёндашув устуворлик қилди, бунинг оқибатида халқимиз ўз маънавий-маданий ва фалсафий меросини асосан шу руҳда ёзилган асарлардан ўрганиб ўзлаштирди. Бунинг устига маҳаллий мутахассис ва олимлар ҳам мазкур масалаларни ёритишда белгиланган чегаралар доирасида фаолият олиб боришга мажбур бўлдилар. Шунинг учун алломаларимиз ижодиёти ҳақида ёзилган кўплаб асарлар, асосан, Европа руҳи ва тафаккури даражаси ҳамда мезонлари асосида, бизнинг назаримизда, нисбатан юзаки таҳлил ва талқин этилиб, баҳоланган. Уларнинг ҳақиқий моҳияти ва, айниқса, халқимиз учун аҳамиятли бўлган томонлари эса тўла очиб берилмаган.

Европа илм-фани ва маданияти халқимизнинг ўтмиш маънавий-маданий меросини ўрганиб, фақат ўз тараққиёти учун зарур, ижтимоий руҳига мос жиҳатларни олиб, ўзлаштирган. Европа тараққиёти учун кераксиз деб топилган, улар учун тушунарсиз, уларнинг руҳига бегона жиҳатлар қолоқлик, бидъат, диний хурофот, жоҳиллик ва ҳоказо деб талқин қилинган. Ҳатто, айрим олимлар Шарқ халқлари маданияти ва ижтимоий-фалсафий тафаккури тараққиётининг асл моҳиятини тушуна олмай ёки атайлаб ҳаддан ортиқ камситиб, бузиб талқин қилган ҳоллар ҳам кўп кузатилади. Масалан, машҳур рус файласуфларидан бири В.Соловьев шундай ёзади: “Мусулмон дунёсида позитив фан ҳам (дунёвий фанлар назарда тутилмоқда – Ў.М.), ҳақиқий теология ҳам мутлақо мавжуд эмас, балки Қуръоннинг қандайдир қашшоқ догмалари ҳамда греклардан олинган тарқоқ фалсафий тушунчалар, эмпирик маълумотлар йиғиндиси мавжуд” [2.45]. Ушбу файласуфнинг фикрларида Шарқ халқларига бўлган муносабат, уларни қайсидир маънода маънавий қашшоқ халқлар сифатида кўришини кузатишимиз мумкин. Немис файласуфи Карл Форлендернинг қуйидаги фикрлари ҳам диққатга молик: Шарқ тафаккури “шунчалик диний бўёқлар билан бўялган ва шунчалик бизнинг европача тафаккуримизга бегонаки, шунинг учун бу халқларнинг дунёқараши хусусида тўхталиб ўтириш шарт эмас”,[3.8] – деб хулоса қилади. Унинг мазкур фикрларида ҳам Шарқ ҳалқларига паст назар билан қарашлар бўй кўрсатади.

Меросимиздаги шу тарзда баҳоланган кўп жиҳатлар биз учун асло бегона эмас, аксинча, айтиш мумкинки, ғарбона нуқтаи назардан “қолоқлик”, “камчилик” бўлиб кўринган худди айни шу томонлар, эҳтимол, бизнинг маънавий юксалишимиз учун асос, мустаҳкам пойдевор бўлиши мумкин. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида Шарқ алломаларининг минг йиллардан буён дунёдаги деярли барча фанлар учун методологик асос, тамойил, мақсад ва вазифа бўлиб хизмат қилиб келаётгани ҳақида алоҳида таъкидлаб, буюк сиймоларимиздан бири Берунийнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси ҳақида қуйидаги фикрларни айтиб ўтади: “Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас [5]. Президентимизнинг ушбу сўзлари Шарқ мутафаккирларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш бугунги кунда нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги фикрларининг давоми сифатида Ислом Каримов Аҳмад Фарғонийнинг бизга қолдирган илмий-фалсафий мероси ҳақида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган “Астрономия асослари” фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бош-

қа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган” [5]. Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу фикрлари Европанинг айрим олимлари томонидан билдирилган фикрларнинг нақадар асоссиз, нотўғри эканлигини яққол кўрсатади.

Шунингдек, алломаларимиз инсон ва олам моҳиятини тўлиқ англаб, уни ривожлантириб камолга (ҳаққа) етказишнинг аниқ назарий ва амалий йўлларини кўрсата олганлар. Улар адолатли демократик жамиятнинг тузилиши ва мазмун-моҳиятидан мақсад ва вазифаларигача батафсил ишлаб чиққанлар. Жумладан, буни Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” китобларида, илоҳиётчи олимларимиз Ал-Бухорий ва Термизийлар жамлаган ҳадис тўпламларида, Нажмиддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоваддин Нақшбанд каби тасаввуф алломаларининг асарларида кўриш мумкин. Фақат бунинг учун ушбу асарларга холис ният билан, уларнинг замиридаги туганмас маънавий бойликни ўзлаштириш мақсади билан ёндашиш талаб қилинади.

Умуман олганда, маънавий-маданий, фалсафий меросимизга муносабат хусусидаги мисолларни яна жуда кўплаб келтириш мумкин. Аммо юқорида келтирилган қарашлардан ҳам дунё фанида бизнинг ўтмиш меросимизни таҳлил қилиб баҳолашда қандай мақсад-муддаолар ёки қанақа мафкуравий буюртмаларга асосланилгани яққол намоён бўлади. Бундай ғайирликдан кўзланган мақсад ҳам тушунарли. Зеро, баъзи ғарб олимлари буюк алломаларимизнинг олам ва одам, илм-фан ва тафаккур моҳияти хусусидаги илмий-фалсафий қарашларини инкор қилишга, бу билан ўзларини Шарқ халқларидан устун қўйишга ҳаракат қилган бўлса, бошқа бирлари Шарқ тафаккур маданияти ва фалсафасининг туб асосларига путур етказиб, бу билан инсоният ижтимоий-фалсафий тафаккури ва маънавий-маданий тараққиётини нотўғри йўналишга солиб юборишга ҳаракат қилишган. Буни ўтган аср охирларидан бошлаб Ғарб маънавияти ва маданиятида юз кўрсатаётган таназзул белгилари яққол исботлаб бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов халқимизга нисбатан камситиш ва менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш ҳамда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш масаласига жиддий эътибор қаратиш кераклигини уқтириб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим” [1.6-7]. Зеро, миллатларнинг ижтимоий ҳаётида ҳамиша яхшилик ва эзгуликлар устувор бўлиши ёки бўлмаслигини, инсоният ҳаёти маънавий инқирозга қараб кетмаслигини юқорида кўрилган масалаларда қандай йўл тутишимиз ҳал қилади.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг маънавий-руҳий тараққиётида Шарқ мутафаккирларининг илмий-фалсафий мероси муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, миллий ғоянинг ривожланиш даражаси бой тарихий меросимизнинг кишиларимиз томонидан нечоғли ўрганиб, ўзлаштирилишига боғлиқ. Бу борадаги ишларда мамлакатимиздаги таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот соҳасида хизмат қилаётган кишиларнинг назарий ва амалий фаолиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Миллий ғояни шакллантиришда Шарқ халқлари маданий меросини ва миллий маънавий қадриятларимизни, биринчидан, мустақил тараққиётимиз манфаатлари нуқтаи назаридан янгича илмий услуб ва тамойиллар асосида объектив ўрганиб, ёритиш; иккинчидан, шу тариқа юзага келган ўтмиш маданий меросимиз ҳақидаги назарий билимларни давлатимиз ва жамиятимиз ғоявий-мафкуравий тараққиётининг амалий масалалари билан боғлаш зарур.

2. Бугунги кунда миллий мафкурани ривожлантириш ҳамда таълим-тарбия самарадорлигини оширишда ғоя ва мафкуралар тарихини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан бу йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш, ғоявий-мафкуравий соҳада Шарқ алломаларининг тажрибаларидан самарали фойдаланиш ғоявий тарбияни изчил ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

3. Халқимиз ўтмиши ва ҳозирги ҳаётида яратилган маънавий-маданий қадриятлардан кенг фойдаланиш юртимиздаги таълим-тарбия тизими ва ижтимоий-маданий тузилмаларнинг миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш йўлидаги фаолиятида кутилган натижаларни бериши мумкин.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
2. Соловьев В. Три силы. Избранное. –М.: 1990. - 496 с.
3. Карл Форлендер. Общедоступная история философии.– М.: 1922. – 624 с.
4. Президент Ислом Каримовнинг “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. 2014, 15-16 май. // www.uza.uz.

*Андижон давлат университети*
*2015 йил 6 майда қабул қилинган*
*(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)*